

Сизлардан бирингиз таомга даъват қилинса...

| Сийрат дарслари (291-дарс)



19:00 / 19.07.2024 2522

461. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Тун мана бу ёқдан** (кунчиқар томондан) **кирса, кун мана бу ёққа** (кунботар томонга) **кетса ва қуёш ботса, демак рўзадорнинг ифтор вақти бўлибди**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

462. Саҳл ибн Саъд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: **«Модомики ифторни тез қилишар экан, кишилар яхшиликда бўлурлар**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

463. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (сахарлик қилмай) улаб тутишдан қайтардилар. Шунда одамлар: «Сиз улаб тутасиз-ку?» дейишди. **«Мен сизларга ўхшаган эмасман. Мен таомлантириламан ва сероблантириламан»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

464. Оиша ва Умму Салама розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазонда эҳтиломдан эмас, жинсий яқинликдан жунуб бўлган ҳолларида тонг оттирар эдилар. Сўнгра рўза тутар эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

465. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлардан бирингиз таомга даъват қилинсаю, у рўзадор бўлса, мен рўзадорман, деб айтсин»**, дедилар.

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: **«Бирингиз даъват қилинса, ижобат қилсин. Шунда агар оғзи очик бўлса, таомлансин. Агар рўзадор бўлса, намоз ўқисин»**, дейилган.

Муслим ривоят қилган.

466. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Эри ҳузурида турган аёл унинг изнисиз рўза тутмайди»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

